

# **ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ТАРБИЯСИ ВА**

## **КАСБ-ХУНАР ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ**

Умаров Раҳим Тожиевич, Бердикбеков Пардақул Кудайбердиевич  
А.Қодирий номидаги ЖДПИ, Технологик таълим кафедраси доцентлари  
e-mail:umarovr@jspi.uz

**Аннотация:** Мақолада асосан шарқ мутафакирларидан Абу Наср Ал Фаробий, Умар Хайём, Саъдий Шерозий ва Абдураҳмон Жомийларнинг болага меҳнат тарбияси бериш ва уни касб-хунарга ўргатиш бўйича қарашлари тўғрисида қисқача фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** Шарқ мутафаккирлари, меҳнат тарбияси, касб-хунар, илм-маърифат, яхши тарбия, яхши хулқ-атвор, фазилатлар, қадр-қиммат.

\*\*\*

**Аннотация:** В статье кратко рассматриваются взгляды восточных мыслителей Абу Насра Ал Фароби, Умара Хаяяма, Саади Шерози и Абдурахмана Джами на образование ребенка и его профессиональную подготовку.

**Ключевые слова:** восточные мыслители, трудовое образование, профессия, знания, хорошее воспитание, хорошие манеры, качества, достоинство.

\*\*\*

**Annotation:** The article briefly examines the views of Eastern thinkers Abu Nasr Al Farobi, Umar Khayyam, Saadi Sherozi and Abdurahman Jami on the education of a child and his professional training.

**Key words:** oriental thinkers, labor education, profession, knowledge, good upbringing, good manners, qualities, dignity.

Шарқда бола тарбиясига алоҳида эътибор қаратилган, яхши тарбия кўрган киши нихоятда улуғланган. Шарқнинг барча алломалари ўз даврида болага меҳнат тарбияси бериш ва касб-хунарга ўргатиш бўйича фикрларини

баён этганлар. Ушбу мақолада асосан шарқ мутафаккирларидан Абунаср Ал Фаробий, Умар Хайём, Саъдий Шерозий ва Абдурахмон Жомийларнинг болага меҳнат тарбияси бериш ва касб-хунарга ўргатиш бўйича қарашлари тўғрисида қисқача тўхталиб ўтилган.

Фаробийнинг ўз даври учун катта хизматларидан бири шундаки, у кишиларни илм-маърифатли бўлишга, ҳалол меҳнат қилишга ва касб-хунар эгаллашга чақириб, ислом мафқурасининг мутлоқ ҳукмронлиги шароитида инсон шахсининг ижодий ва бунёдкорлик кучини ва унинг камолатини, қадр-қимматини ғоят улуғлади. Инсоннинг пайдо бўлиши ва унинг мавжудлиги, камолатига, илм-маърифатга ва касб-хунарга эришуви ҳеч қандай илоҳий куч томонидан белгиланмайди, балки инсон ўз тақдирини ақл ва меҳнати, яъни ижодкорлик қобилияти орқали ўзи яратади. Фаробий ўз ижтимоий вазифасини бажариши учун унга, биринчидан, кундалик ҳаётида одамлар билан мулоқатда бўлиш зарурлигини, иккинчидан, эса у меҳнат ва касб-хунар кўникмаларини ва ахлоқий фазилатларни эгаллаши лозимлигини таъкидлайди [1,53-б]

Фаробий касб-хунар аҳлининг ахлоқий фазилатлари тўғрисида фикр юритар экан, касб-хунарни эгаллаш ва камолатга эришишга ўз ихтиёрича ҳавас билан интилган кишилар ҳақиқий фазилат эгалари ва ҳақиқий санъат эгаларидир, улар амалий иш билан шуғулланувчи, касб-хунарга берилган кишилардир дейди [1,53-б]

Мутафаккир инсон фақат ўзининг эҳтиёжи бўлган ва ҳар бир киши ўзи ёқтирган касбни эгаллагандан сўнг ўзига топширилган ишга нисбатан юксак масъулиятни ҳис этиши ва ўз касб-хунарини мукаммал билмоғи, яхши тарбия олмоғи ва яхши хулқ-атвор, фазилатларга эга бўлмоғи керак деб таъкидлайди.

Умар Хайём рубойилариниг маърифий-таълимий аҳамияти шундаки, уларда баён қилинган чуқур гуманистик ғоялар, адолат ва баҳт-саодатга эришиш юзасидан айтилган шоирнинг эзгу ниятлари ҳамда интилишлари ҳозирги кунда ҳам ўз қадр-қимматини йўқотгани йўқ. У ўзининг рубойиларида буларни ифодалаган, яъни:

Ҳар сирни дилида сақласа доно,

У яширин бўлсин мисоли анқо,

Садафнинг ичида қатра дур бўлур,  
Сир қилиб қалбида яширгай дарё [2,10]

Умар Хайём ўзининг яна бир рубойисида устоз-шогирдликни қуидагича ифодалайди:

Ёшлиқда биз шогирд ўзгалар устод,  
Сўнгра устод бўлиб дилни этдик шод,  
Охири қайрга етишдек десанг,  
Тупроқдан чиқибон, бўлибмиз барбод [2,44].

Шунингдек бир қатор рубойиларида инсонни меҳнатсеварликка, касб-хунар ўрганишга чорлайди. Унинг фикрича инсонни баҳтсизликларга олиб келадиган нарса мол-мулкка ҳирс қўйиш ва тамагирликдир. Шунинг учун ҳам шоир меҳнат қилиб топилган нон қадрли бўлишини қуидагича таърифлайди:

Бир сўнгакка сордек қаноат қилган,  
Афзалдир нокасга бўлгандан меҳмон,  
Нокаснинг шиннилик нонидан яхши,  
Ўзинг топиб еган бурда арпа нон.[2,70]

Саъдий Шерозий илму ҳунарни ҳамма нарсадан юқори қўяр экан, “Гулистан” асарининг “Тарбия таъсири” бобида бир донишманд ўз ўғилларига шундай насиҳат қилганлиги тўғрисидаги қуидаги ҳикояни келтиради:

“Болажонларим, ҳунар ўрганинг, чунки дунёning мулку давлатига ишониш ярамайди, олтин-кумуш ҳам бу сафар диёрида хавфу хатардир. Ё ўғри бирдан олиб кетади ё эгаси оз-оз хашлаб тагига етади. Аммо ҳунар қайнар булоқ ва битмас давлатдир. Агар ҳунарманд киши давлатидан ажраса на ғаму на офатдир, чунки ҳунарнинг ўзи давлатдир. У қаерга борса, қадрини топади, мансабга миниб баҳти чопади, беҳунар доимо қаттиқчилик кўради ва сарқит теради”[5,39].

Саъдий меҳнат тарбияси ва илм-ҳунар ҳакидаги қуидаги мисрада келтирилган фикрларини ҳам бугунги кунда эътиборга олиш лозим:

Ўтай яхши ном бирла десанг агар,  
Сен ўғлинга ўргатгил илму ҳунар [4.134].

Буюк мутафаккир ва олим Абдурахмон Жомий ўз асарларида касб-хунар ва илм ўрганишга ёшликтан киришиб, ёшлиқ куч-ғайратини ана шунга сарф этиш кераклигини таъкидлайди. Жомий билим ва касб-хунарни эгалламай, ўзининг насли насаби билан мақтаниб юрган ёшларни қаттиқ танқид қилади. Унинг фикрича, бундай ёшлар бирор ижобий фазилатга эга эмас, ҳосил бермайдиган мевасиз дарахтга ўхшайдилар, бундай одамларнинг жамиятга нафи тегмаслигини қуидаги мисраларда келтиради:

Қайси фарзанд фазлу ҳунарсиз бўлиб,  
Отадан лоф урса, одамдан йироқ.  
Мевали дарахтнинг мевасиз шохи,  
Ўтиндан бошқага ярамас мутлок [3,138].

Жомий касб-хунар эгаллашни ва у билан шуғулланишни ҳар қандай бойлиқдан афзал кўради, ёшларни касб-хунар эгаллашга даъват қилади ҳамда уни қуидаги мисраларда ифодалайди [3,318]:

Одамнинг қиймати эмас симу зар,  
Одамнинг қиймати билбм ва ҳунар.

Шу ўринда касб-хунар ўрганишнинг инсон ҳаётида нақадар муҳим эканлиги тўғрисидаги фикрларни қуидаги тўртлик орқали якунлашни мақсадга мувофиқ деб билдик:

Ҳунар ўрган, чунки ҳунарда кўп сир,  
Ҳунарсиз кишининг аҳволи дилгир,  
Ҳунар эса сенга доимий ҳамроҳ,  
Ёпиқ эшикларни очар бирма-бир.

Хулоса қилиб айтганда, шарқ мутафаккирларининг биз кўриб чиққан вакилларининг шеъриятида ҳам меҳнатга, илму-хунарга муҳаббат ва ижодкорлик ғоялари юксак маҳорат билан ифодаланади ҳамда инсонни ёшлиқ чоғиданоқ меҳнатга ва бирон-бир касб-хунарга ўргатишга катта эътибор қаратилади. Шунингдек, уларнинг шеъриятида инсоннинг касбу-кори билан унинг ахлоқий хислатлари ўртасида чамбарчас алоқадорлик борлиги, ахлоқий онгнинг шаклланиши учун табиий соҳа бўлмиш меҳнат фаолиятининг роли ҳақидаги масалалар ҳам ғоят муҳим бир тарзда ва янгича ифодаланган. Бу эса

бугунги кун ёшларини, айниқса ўқувчи ёшларни меҳнатга тўғри муносабатда бўлиш ва бирор-бир касбни пухта эгаллашида муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ҳикматлар гулдастаси. Тошкент. Фоур Ғулом номидаги Адабиёт санъат нашриёти, 1952 й.
2. Хайём Умар.Рубоийлар. Тошкент. Ўзбекистон КП МК нашриёти, 1976 й., 112 б.
3. Абдураҳмон Жомий. Танланган асарлари, Фоур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1971 й.
4. Шомуҳамедов Ш. Ҳазиналар жилоси, Тошкент, Фоур Ғулом номидаги Адабиёт санъат нашриёти, 1981 й.
5. Ҳасанов С. Мутафаккирлар меҳнат тарбияси хақида Тошкент, Ўқитувчи, 1993й.,144 б.